



# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 23 январь, чоршанба

№6 (11.394)

Эркин нархда сотилади

## 2002 йил 27 январь - ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

Қадри ватандошлар! Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига биноан 27 январь - яшанба куни мамлакатимизда куйидаги икки масала бўйича умумхалқ референдуми ўтказилади:

**Биринчи масала:** Сиз келгуси қақриқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?

**Иккинчи масала:** Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат мuddати ни беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгаришига розимисиз?

Референдумга қўйилган иккала савол ҳам битта овоз бериш бўлганига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг референдумда иштирок этиши ихтиёрий ва эркин бўлиб, ўз хоши-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан қаролатланади. Овоз бериш мuddати соат олтида бошланади ва соат йигирмада тугайди.

Овоз бериш биносига келган, фуқаро участка комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда овоз берувчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан сўнг унга овоз бериш бюллетени берилади.

Бирор бир сабаб билан фамилияси рўйхатга кирмай қолган фуқаролар шахсини ҳамда турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан овоз берувчи фуқаролар рўйхати иловасига киритилади.

Бюллетени олган, фуқаро яши-

рин овоз бериш хонасига қиради. Бюллетенда уни тўлдирдишнинг тартиби тўғрисида тушунтириш ёзиб қўйилган. Фуқаро референдумга киритилган масалани маълум қилса, бюллетендаги таъриф матнини ўқимади, аксинча қарши овоз берадиган бўлса, таъриф матнини ўқиради.

Шундан сўнг фуқаро овоз бериш хонасидан чиқиб, бюллетени овоз бериш қутисига ташлайди.

Бузиб қўйилган овоз бериш бюллетени фуқаронинг илтимосига кўра янгиси билан алмаштирилиши мумкин.

Овоз бериш куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган фуқаро ўз турар жойидаги референдум ўтказувчи участка комиссиясидан хисобдан чиқиб гувоҳномасини талаб қилиб олиши мумкин, бу гувоҳнома уни референдум ўтказувчи бошқа ҳар қандай участкада овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритишлари учун асос бўлади.

Референдум тўғрисидаги Қонунда бюллетени мустақил равишда тўлдиролмайдиган, касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз берилмайдиган биного келолмайдиган фуқароларнинг ҳам овоз беришда иштирок этишини таъминлаш чоралари белгилаб қўйилган. Фуқаролар референдумда қатнашиши билан боғлиқ шу сингари ҳамда бошқа масалалар бўйича турар жойлардаги участка комиссияларига мурожаат этишлари мумкин.

### Мухтарам юртдошлар!

**Ўзбекистон Республикаси референдуми фуқароларнинг ўз хоши-иродасини бевосита ифода этиши воситаси бўлиб, ҳар биримиздан юқсак масъулият билан ёндашишни талаб этади. Референдумда фаол қатнашиб, ўзимизнинг фуқаролик бурчимизни адо этайлик.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси.

**Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида бўлгани сингари Ўртаҷиқ туманида ҳам референдумни ўтказишга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етмоқда.**

Туманда мавжуд 52та референдум участкаси шай ҳолатга келтирилиб, барча керакли жиҳозлар, алоқа воситалари билан таъминланган.

— Туман бўйича референдумда қатнашиши кутилаётган 81 минг 692 фуқародан 1969таси овоз бериш жараёнида илк бор

### ИЛК БОР ИШТИРОК ЭТАДИЛАР

иштирок этапти. Шу сабабли ҳам жойларда ёшлар ўртасида референдум ҳақида, ундан кўзланган мақсадлар ҳақида суҳбатлар ўтказилмоқда. Айна кунгача ана шундай учрашулардан ўндан зиёди қишлоқ фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтди.

— Референдумда овоз бериш, — дейди Саида Раҳимова, — бундай табирда би-

ринчи марта қатнашаётган мен каби ёшларга катта маъсулият юклайди. Ўз келажгимизни, порлок истиқболимизни мана шу ўтадиган референдум натижаларида деб билемиз. Шаҳсан мен ушбу референдумдан катта умиддаман.

### МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН

**Қайси соҳада бўлмасин, биз эришаётган ютуқлар ҳар бир касб эгасининг ўз ишига астойдил меҳр қўйиб, сидқидилдан қиладиган меҳнати самарасидир.**

Дехқонларимиз ҳақида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Дарвоқе, бугунги дехқон билан бир вақтлардаги дехқон ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Сир эмас, коммунистик зуғум ҳукмронлик қилган пайтда дехқон ҳар қанча тажрибали, уқули, билимли, бўлмасин барибир, ўзича бир ишни мустақил бажара олмасди. Унга юқоридан туриб топширик, кўрсатма берар эдилар. Кўрсатма нотўғри бўлса ҳам уни бажаришга мажбур эди.

Бугун эса дехқон эрнинг ҳақиқий эгаси, ҳужайини. Ўзининг мустақил фикрини асослаб, ўткази олади. Қайси майдонга нима экса, ҳосили, даромади салмоқли бўлишини яхши билади. Шунинг учун ҳам ҳўжалиқларда дехқонларнинг сўй-ҳаракати билан қишлоқ ҳўжалиги йилдан-йилга раванқ толмақда, турмуш фаровонлашиб бормоқда.

Бу имкониятни қалбдан ҳис қилган ҳолда мустақиллики янада мустаҳкамлаш учун референдумда фаол қатнашиб, овоз бераман.

**Наби ЭШОНОВ,**  
Тошкент туманидаги  
Оқунбобоев номи ширкат ҳўжалиги  
меҳнат фахрийси, оилавий пудрат  
раҳбари.

### КЕЛАЖАГИМИЗ УЧУН ОВОЗ БЕРАМАН

**Мустақиллик бизга кенг йўл очди. Ўзбекистонни жаҳон таниди, тан олди. Оқилно олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат туғайли келажакда фаровон ҳаёт кечирishiимиз учун мустаҳкам замин қўйилди.**

Юртимизда мулкдорлар синфи шаклланди. Жумладан, туманимизда ўнлаб кичик ва ўрта бизнес корхоналари, юзлаб яқка тартибда табиркорлар фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизнинг ҳамма жойида бўлгани каби 27 январь куни ўтадиган референдумга Зангиота туманида ҳам қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Шу кунгача барча қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллаларда учрашулар бўлиб ўтди. Референдумнинг моҳияти ҳусусида тушунтириш ишлари олиб бориламоқда. Бу ишларда биз ҳам фаол иштирок этапмиз.

Ўзбекистонда Олий Мажлисининг икки палатали бўлиши, Президентнинг конституциявий ваколати мuddатининг узайтирилиши ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизга ижобий таъсир қилмади, деб ўйлайман. Буни кўп қатори зангиоталик табиркорлар ҳам яхши англамоқда.

**Маҳмадҷон РАҲИМБЕРДИЕВ,**  
Зангиота туман товар ишлаб  
чиқарувчилар ва табиркорлар  
палатаси раиси.

### ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

**«ТАРИХСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ»**  
Зангиота туманининг Ўртовоул қишлоғида бўлиб ўтган табир ана шундай номлади.



Ўқитувчилари ҳамда китобхонлар иштирок эдилар. Унда халқимиз тарихида босиб ўтилган йўл, бугунги кундаги тинч фаровон ҳаётимиз ва уни асароб-авайлаш, ҳақида сўз юритилди. Бундай табирларни туманининг барча қишлоқларида ўтказиш режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз.

### ҲАОЛ АЁЛЛАРГА

#### ҚИММАТБАҲО СОВГАЛАР

**Кенгашли тўй тарқамас дейдилар. Паркент туман хотин-қизлар қўмитасининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда 1997-2001 йиллар мобайнида олиб борилаётган ишлар, қўмита раисининг ваколатини узайтириш ва вилоят конференциясига делегатлар сайлаш масаласи кўрилди.**

Йиғилишда вилоят ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Адиба Аҳмадҷонова қатнашди.

Паркент тумани ҳокими муовини, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулҷеҳра Исмолова ўтган йилларда амалга оширилган ишлар юзасидан маъруза қилди. Маъжур ҳисобот юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилган, у ушбу лавозимда ишлашга бир овоздан муносиб деб топилди.

Сўнг вилоят хотин-қизлар конференциясига 41



нафар аёл делегат этиб сайланди. Табир ниҳоясида ҳаётда, меҳнатда бошқаларга ўрнак бўлаётган аёллар қимматбаҳо совгалар билан тақдирландилар.

**Гулноза ТУРҒУНБЕКОВА,**  
ЎЗМУ журналистика  
факультети талабаси.

### ЯНА БИР КИЧИК КОРХОНА

**Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар изчил амалга оширилаётганлиги натижасида кичик ва ўрта бизнес корхоналари сони тобора кўпаймоқда.**



тида импорт маҳсулотлар ўрнини босадиган нознеъматлар ва хом ашёлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Уларда республикамиз халқ ҳўжалигига зарур бўлган ашёлар ишлаб чиқариламоқда. Ушбу корхоналарнинг аксария-

Яқинда Янгийўлдаги «Буқиме» ҳиссадорлик жамияти қошида «Краҳмал» кичик корхонаси иш бошлади. Унда бугдўйдан қандалот маҳсулотлари учун қўшимчалар ишлаб чиқариляпти.

Ўз мухбиримиз.

### МАҲСУЛОТ ЭВАЗИГА ХОРИЖ ВАЛЮТАСИ

**Ўзбекистон металлургия комбинатида чиқарилаётган маҳсулотларга чет эллик харидорлар йил сайин кўпаймоқда.**

Ўтган йили хорижлик буортмачиларга етказиб берилган жами маҳсулот ҳажми 109 минг 455 тоннага етди. Унинг асосий қисмини турли хил прокатлар ташкил этди.

Жамоа экспорт қилинган маҳсулот эвазига 18 миллион 971,9 минг АҚШ доллари миқдорига мўмай даромад олди. Бу маблагнинг кўпчилиги комбинатда техника тараққийети бўйича белгиланган табирларни амалга ошириш учун сарфланади.



Ўз мухбиримиз.

### МАРМАР КОШИНЛАР БОЛТИҚБЎЙИГА ЮБОРИЛАЯПТИ

**Ҳазилкент тоштарошиқ комбинатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтиришга қаратилган чора-табирлар изчил амалга оширилмоқда.**



Ўтган йилнинг иккинчи ярмида бу ерда гранит тошларидан ва мрамардан пардозлаш бинкорлик қошинлари тайёрлаш имконини берувчи замонавий асбоб-ускуналар ишга туширилган эди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган бу маҳсулотларга хорижда ҳам харидорлар чиқмоқда. Мрамар қошинларни Болтиқбўйи мамлакатларига юборишга киришилди. Чунончи, Латвия ва Эстония фирмалари унинг асосий миқдорларидан бўлиб қолди. Уларга ўнлаб куб метр ҳажмида шундай қимматбаҳо қурилиш ашёлари юборилди.

Ўз мухбиримиз.


### Ҳамкорлик робиталари

## «АЙЛИН» ҚАНДОЛАТЛАРИ

«Айлин»... шундай тамга босилган турлитуман ширинликлар қандолатлар, печеньелар ва бошқа шу каби озиқ-овқат маҳсулотларини республикамизнинг деярли барча савдо шаҳобчаларида учратиш мумкин.

Фикримизнинг исботи учун айрим мисолларни келтириб ўтмоқчимиз. Туркияликлар билан ҳамкорликда барпо этилган бу корхонада дастлаб уч турдаги печеньелар тайёрланарди. 1996 йилдан истеъмол бозорига кириб борган корхонада анги техника воситаларини ўрнатиш улуқсиз олиб борилди. Италия ва Туркиядан замонавий илғор технологиялар, асбоб-ускуналар келтирилиб ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Бундай ишлар натижасида ўнлаб янги маҳсулот турлари тайёрлана бошлади. Шарқ ширинликлари туркумига кирувчи «Роҳат-луқум», «Жезерье», шунингдек, «Деаз», «Класс», «Даинту» ва бошқа шу каби сутли батончалар, печеньелар ҳам буортмачиларга етказиб берилга бошланди. Шундай қилиб, ширинликлар тури 55тага етди.

Ўтган йили корхонанинг бош таъсисчиси ҳисобланган Туркиянинг «Артом ЛТД Шти» компанияси яна бир инвестиция лойиҳасини амалга оширди. Қиймати 150 минг долларлик анги технология келтирилди ва «АДОРА» шўьба корхонаси барпо этилди. Унда беш хил хушбўй ҳидли атир совунини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Шундай қилиб, корхонада меҳнат қилаётган ишчи-ҳизматчилар сафи 280 нафарга етди. Яқин кунларда жамоа ишлаб чиқариш ҳажминини ва маҳсулот турини кўпайтиришга қаратилган ишларни давом эттиришни мўлжалламоқда. Жумладан, 500 минг долларлик атрофида янги технологиялар жорий қилинади. Натияда, яна қўшимча ишчи ўринлари барпо этилади.



СУРАТЛАРДА: корхона цехларидан олинган лавҳалар. Солиқ ЗОИР олган суратлар.

### МАЪНАВИЯТ БИЛИМДОНЛАРИ АНИҚЛАНДИ



Республика «Маънавият ва маърифат» марказида «Энг яхши маънавият ўқитувчиси» деб номланган кўрик-танлов қолиблари тақдирланди.

— Ўқитувчининг маънавияти юқсак, иймон-этиқоли мустаҳкам бўлса, унинг айтган ҳар бир сўзи тарихботчи сўзига айланади, — деди марказ директорининг уринбосари Султонмурод Олимов. — Бу эса жамиятнинг янада қувватлантиради. Зеро, мамлакатимиз келажаги бугунги кунда қамолга етаётган ёшларга боғлиқ. Шу боис келажак авлод тарбияси давлатимизнинг ҳар бир фуқаросидан катта маъсулият талаб этади.

С.Олимовнинг таъкидлашича, танловнинг мақсади ҳам ўқитувчиларнинг таълим бериш усулини назорат қилиш, улар фан талабларига жавоб берадими, деган саволга ойдинлик киритишдан иборат эди. Унда мамлакатимизда мавжуд барча мактабларнинг ўқитувчилари иштирок этишди.

Шулардан ўн турт нафар ўқитувчи танлов голиби деб топилди, уларга марказ совгалари топширилди.

«Туркистон-пресс».



27 январь умумхалқ референдуми куни

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ УЙФУНЛИГИ

Мамлакатимизда демократик ва ҳуқуқий давлатни барпо этишга қаратилган саноат ҳаракатлар изчил давом этмоқда. Муҳим сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган референдумни ўтказиш ҳам унинг ёрқин кўринишларидан биридир.

«Электримёнаоати» ишлаб чиқиш бирлашмасининг «Кимёгарлар» маданият саройида референдумга тайёргарлик ва уни ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Шаҳардаги меҳнат жамоалари, маҳаллалар фаоллари, референдум участкалари комиссиялари аъзолари қатнашган ушбу анжуман иштирокчилари Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Сайёра Ҳўжаеванинг йиғилиш кун тартибидagi масала юзасидан маърузасини тингладилар.

Шаҳарда 42та референдум участкаси ташкил этилган. Ҳозирги вақтда уларнинг қайси бирига борманг, референдумга қизгин тайёргарлик бораётганининг гувоҳи бўласиз. Айниқса, бу тарихий кун яқинлашган сари улар гажумлашиб бормоқда. Кексаю ёш овоз берувчилар тобора кўпроқ ташриф буюриб, ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан маслаҳатлар, саволларга жавоблар олишяпти. Участкаларда малакали ҳуқуқшуносларнинг навбат-

ОДАМЛАР БИЛАН ГАВЖУМ

Охангарон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси референдумига тайёргарлик ҳал қилувчи босқичга кирди.

Шаҳардаги мавжуд 10та участкада қизгин фаолият давом этмоқда. Улар кун бўйи одамлар билан гавжум. Бу ерга ўзларини қизиқтиратган масалалар юзасидан маълумотлар олиш учун кўпроқ пенсионерлар, оқсоқоллар, оила бошлиқлари ташриф буюришяпти. Чунки референдум кунига оз қолди.

Охангарон саноат шаҳри эканлиги ҳисобга олиниб, корхоналарда ҳам тушунтириш ишлари ташкил этилган. Асосий эътибор референдумнинг мазмун-моҳияти ва мақсадни аҳолига тўлиқ етказишга қаратилмоқда. Эътироф этиш кераки, бўлажак референдум халқ хоҳиш-иродасининг ифодаси, демократик давлат асосларини мустаҳкамлаш сари яна бир муҳим қадам эканлигини аҳоли тўғри англаб етмоқда.

ОҚСОҚОЛЛАР ВА ҲУҚУҚШУНОСЛАР ИШТИРОКИДА

Қибрай туманида Ўзбекистон Республикаси референдуми ўтказиладиган мавжуд 59та участкада иш олиб бораётган комиссиялар аъзолари 12та шаҳарча ва қишлоқ фуқаролар йиғини билан мунтазам алоқада бўлиб турибдилар. Ҳозирда референдум ўтказиладиган вақт ва манзили аниқ кўрсатилган тақлиф қозғолари тарқатилиб, жойлардаги овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг рўйхати сайлов участкаларига олиб кўйилган.

Туманда ташкил этилган 14 кишилик ташаббус гуруҳи аҳоли истиқомат жойларида ва жамоаларда суҳбатлар ташкил этиб, тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Бу ишларда тумандаги маҳалла оқсоқоллари, ҳуқуқшунослар фаол иштирок этмоқдалар.

Ўз мухбиримиз.

АҲОЛИ ФАОЛЛИГИДА

Янгийўл тумани фуқаролари 27 январь куни референдум ўтказиладиган 52та овоз бериш участкасида ўз хоҳиш-иродаларини ифода этишга кўтаринки кайфият билан ҳозирлик кўрмоқдалар.

Туман аҳолисининг бундай фаоллиги бежиз эмас. Чунки, овоз бериш участкаларининг ҳаммасида референдум ушқоқлиги билан утиши учун тайёргарлик қилинган барвақт ва жиддий киришилди. Участка комиссиялари тузилган кундан-кунга акриватинан биноларни ҳар жиҳатдан кўркам ва мукамал қилиб безатиш ишлари қизгин бошлаб

воситалари билан таъминланди.

Овоз бериш участкаларида зарур шарт-шароитларни тула-тукис яратишда ушбу катта сиёсий тадбирга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи ташаббускор гуруҳ аъзоларининг ҳиссалари салмоқли бўлди. Ушбу гуруҳга асосан маданият ва маърифат ходимларидан иборат 9 киши жалб этилган. Улар ўз фаолиятларини референдумга қўйилган масалаларнинг мазмун-моҳияти ва мақсадини фуқаролар онига тўғри етказиш, қонунийликка оғишмай амал қилишининг таъминлашга қаратдилар.

Гуруҳ аъзолари йприк меҳнат жамоаларида, маҳалла ҳамда олис қишлоқларда бўлишиб, аҳоли билан суҳбат ва савол-жавоблар ўтказдилар.

Гуруҳимиз фаолияти ҳал қилувчи босқичга кирди, — дейди референдумга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи ташаббускор гуруҳ раҳбари Анвар Дадабоев. — Биз жойларда фуқаролар билан бевосита ўтказилган кўлаб учрашувлар чоғида аниқ ишонч ҳосил қилдикки, янгийўлликлар референдумнинг моҳияти ва мақсадини тегаран тушуниб етмоқдалар. Шубҳа йўқки, 40та участканинг ҳаммасида 27 январь куни овоз бериш каттаю ёшнинг фаоллигида утади.

Н. ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.



Тошкент туманидаги 524-референдум участкасида 27 январь куни ушқоқлик билан овоз берилиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Рўйхатга олинган 3525 нафар фуқаронинг тақлиф қозғолари хонадонларга етказиб берилди. Бу йил биринчи марта овоз берувчи 32 нафар ёшлар ўртасида ташаббускор гуруҳ аъзолари томонидан кенг тушунтириш ишлари олиб борилди.

Кий уйғотганини иш жараёнида яққол сезиб турдик, — дейди участка комиссияси раиси Зухра Жамилова, — Референдумга саноқли кўнаклар қолганига қарамай, у ёки бу масалага оидкини қиритиш мақсадида ташриф буюраётганларнинг кети узилмапти. Биз уларнинг барча саволларига тўлиқ жавоб беришга ҳаракат қилаёلمиз.

СУРАТДА: овоз бериш участкасида навбатдаги иш куни.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Гўзаллик улашувчи клиника

Тошкентда Марказий Осиё минтақасида ягона Тиббий даволаш ва эстетик жарроҳлик бўйича хусусий клиника ташкил этилди. «ТІВ ВАХМІН» деб номланувчи ушбу муассасада барча турдаги тиббиёт, косметология хизмати ва эстетик жарроҳлик операциялари бажарилади.

Жаҳон тиббиётида деярли янги соҳа — эстетик жарроҳлик тобора жадал ривожланаётир. Мамлакатимизда ҳозирги замон тиббиётининг янада юксалиши, хусусан, Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурининг амалга оширилиши бу соҳа тараққиётига ҳам кенг имконият яратмоқда.

Хусусий клиникада тиббий косметология, пластик ва эстетик жарроҳлик ҳамда даволаш-реабилитация ишлари бажарилади. Шунингдек, аниқлаштириш мураккаб бўлган касалликларга ультратовуш, эндоскопия, лаборатория ва бошқа усулларда ташхис қўйлади, аниқланган хасталиклар консерватив ва жарроҳлик йўли билан муолажа қилинади. Тиббий марказда одамнинг ташқи қиёфаси, танасида туғма ёки ор-

Диққат!

Ттирилган бирор нуқсон пластик жарроҳлик йўли билан бартараф этилади. Эстетик операция ёрдамида эса киши одатдагидан ҳам хушрўй бўлишига имкон яратилади.

Шуни айтиш жоизки, муассасага республикамизнинг етакчи тиббиёт олий ўқув юрталари, илмий-тадқиқот институтилари, ташхис ва даволаш марказларининг малакали мутахассислари жалб этилган. Муайян ҳолатларда эса операцияларга малакали хоржлик шифокорлар ҳам тақлиф этилади.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Тадбирдан кейинги ўйлар

ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ

бугун ва келажакнинг муҳим вазифаси

Эсимда, болалигимда кўчамиз ва ҳовлимиздан ўтган ариқдан эрта баҳордан то кеч кузгача зилол сув оқиб ётарди. У шунчалар тоза эдики, хонадонлар ундан рўзгорда ҳам фойдаланарди.

Ҳовлилардаги яшнаб турган экинлар, ям-яшил либосга бурканган мевали дархатлар шу ариқ сувидан сўғорилар эди. Сувга ҳар хил нарса ташлаш, уни ифлос қилишдан, ҳатто биз кичкиналар ўзимизни тийар эдик.

Кейин кўп ариқлар кўмилиб кетди. Борларидан ҳам покиза сув оқмай қўйди. Анҳорлар бўйига ахлат ташлаш баъзи бировлар учун одатий ҳолга айланди. Кимлардир оби ҳаётни булғамга, гуноҳи азим, қанча сўзларни унутди. Табиатга қилинган зуғум жабрини энди ўзимиз тортяпмиз.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашида ўтган давра суҳбатиде вилоят кенгаши биринчи қотиби Сирожиддин Аъзамовнинг табиати асраш ва Орол муаммолари хусусида қуночлик билан айтган сўзларини тинглаб, шулар хаёлимдан ўтди. Дарҳақиқат, ҳозир дунёнинг кўпгина мамлакатларида табиатни асрашга катта эътибор берилаяпти. Бизда ҳам бу ишга жиддий киришиш йўлида саноат-ҳаракатлар бошлаб юборилди. Мақсад мавжуд муаммоларни янада кўпайтирмай уларни бартараф этишдир. Негаки, шу вақтгача шундай ҳам кўп нарсани бой бердик. Лоқайдлигимиз оқибатида сув ҳавзалари ифлосланди. Балкилар қамайиб кетди. Бу ҳам атроф-муҳитга ўз салбий таъсирини кўрсатди.

саклаш, уларни кенгайтириш барчамизнинг биринчи галдаги ишимиз бўлмоғи зарур.

Шу ўринда кишини ўйлатаётган яна бир муаммога тўхталиш даркор. Бўстонлиқ тоғли туман. Сўлим манзараси бетакрор мазкур масканда аксарият қишлоқлар тоғ этакларида жойлашган. Уларда оялзоб оилалар, минглаб кишилар истиқомат қилади. Аҳоли эса ўтинни довраҳатларни кесиш ҳисобига тайёрлайди. Бу йилга қанчадан-қанча дархатлар кесилди дегани. Ахир битта ниҳол дароҳт бўлгунча озмуна вақт керакми? Инсон учун аввало энг зарури тоза ҳаво ва сув экан, ўрмон ва дароҳтзорларни эҳтиётлашни ҳам унутмайлик.

Беадад шукрлар бўлсин, жаннатмакон ўлкада яшаймиш. Ичимлик сувига танқислик сезмаймиш. Шундай юрталар бор, бу қўлтурм сув ҳисобда. Афсуски, биз эса сув сероб деб, уни тежашни қўпда уйламаймиз. Мутахассисларнинг айтишича, бир кишига суткада санитария метёрига мувофиқ 270 литр сув кирфоя экан. Лекин, сарфланаётган оби ҳаёт 480 дан 800 литргача бораётгани фоят ачинарли. Мана шу литрлар тонналарга айланганини, ҳар нарсанинг ҳам чеки, чегараси борлигини нега уйламаймиз?

Ҳўш, бунчалик исрофгарчиликнинг сабаби нимада? Аввало кўп қаватли уйларнинг баъзиларининг сантехникаси ишламайди, сув қўйворида. Ҳовлилардаги қранлардан зарур бўлса бўлмаса туну кун сув оқибди қўйлади. Ахир бу ичимлик суви, увели бор, деб уйламаймиз.

Қолаверса, саноат корхоналарининг ҳаммасида ҳам табиатни муҳофаза қилиш, сувдан фойдаланиш ишлари талаб даражасида ташкил этилган, деб бўлмайди. Уларнинг раҳбарлари, табиат, халқ олдидаги масъулиятни ҳис этиб тегишли ташкилотлар томонидан берилган тавсия ва кўрсатмаларни бекаму кўст бажаришлари зарур.

Мухтасар қилиб айтганда, бу борада олдимизда турган вазифалар жуда кўп. Табиат инъомларига бефарқ муносабатда бўлиш, уни топташ, гуноҳи азим. Бир нарсани доимо ёдда тутайлик. Ортимизда жаннатмакон гўшалар кўп ва улар халқимизнинг бебаҳо бойлиги, бахтимиздир. Барини асраб-авайлаш, келажак авлодларга беэиёни етказиш ҳаммамиз учун фарз.

Равашон БОБОМУҲАМЕДОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН — ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ «Санъат ва маданият» дастури доирасида «Ижодий бадий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш учун кичик грантлар» танловини эълон қилади

Танлов мақсади — Ўзбекистон ижодкор зёлилари (айниқса, ёшлар)нинг иқтидорли вакиллари ва кичик, аввало, нодавлат, бадий бирлашмаларнинг мустақил ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш.

Танлов голдблари ўзлари тақлиф этган ва қиймати 100дан 4000 АҚШ доллари (Ўзбекистон Марказий банкнинг тўлов вақтидаги курси бўйича сўмда)гача бўлган қисқа муддатли (2002 йил давомида) шахсий ёки жамоавий лойиҳалар шаклидаги бадий фикрларни амалга ошириш имконига эга бўлишяпти.

- Эҳтимол тўтилган бадий лойиҳаларга қўйиладиган қиравди:
- Бадий кўргазма;
- Муаллифлик концерти ёки мусиқа-чи ёхуд камер оркестрининг концертлар цикли;
- Мустақил режиссёр томонидан спектакль қўйиш;
- Кисқа метражли видеофильмни суратга олиш;
- Санъатшунослик семинари ёки конференциясини ўтказиш;
- Янги музей экспозициясини ташкил этиш;
- Бошқа ижодий ташаббуслар.
Юқоридagi тадбирлар санъатнинг замонавий, шунингдек, анъанавий турларини (халқ амалии санъати, бадий хунармандчилик)ни ўз ичига олади.

Бошқа шунга ўхшаш гоёларни тартиб этивчи лойиҳалар танловга қабул қилинмайди.

- Танловда қатнашиш учун Очiq Жамият Институтига қўйиладиган ҳужжат ва материаллар (Ўзбек ёхуд рус тилида) тақдим этилиши зарур:
- Лойиҳанинг гоёси ва асосий параметрлари (иштирокчилари, тартиби, ўтказиш муддатлари ва жойи, календарь режа, батафсил бюджет, қўйиладиган натижалар ва х.к.) асосланган қисқача (5 арақдан кўп бўлмаган машинкаланган мати) баён;
- Мурожаат қилувчи (лоийҳа раҳбари) ва иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлар: ижодий таржimai хол, алоқа телефони ва манзиллари, расмий ҳужжатлар (паспортнинг дастлабки бетлари, дипломллар, гувоҳномалар, патентлар, хоҳиш бўйича бошқа расмий ҳужжатлар) нусхалари;
- Ижод намуналари (слайдлар, нусхалар, аудио ва видеоматериаллар, оригиналлар ва х.к.);
- Ижоди ҳақида оммавий ахборот воситалари, илмий тадқиқотлар ва х.к.ларда чоп этилган фикрлар;
- Мурожаат қилувчининг бадий (санъатшунослик) фаолиятига тегишли йўналиш вакилларида (бир-икки) тавсиянома хатлар.

Буюртмаларни қабул қилиш мазкур эълон газетда чикчақ бошланади.

Буюртмаларни қабул қилишнинг охири куни — 2002 йил 1 март. Лойиҳалар Ўзбекистон — Очiq Жамият Институтига «Санъат ва маданият» дастурининг Эксперт қўмитаси ва республиканинг мустақил санъатшунослари томонидан кўриб чиқилади. Танлов натижалари март ойининг охирида эълон қилинади.


Барча қўшимча саволлар юзасидан қўйидаги манзил бўйича мурожаат қилинсин:

Тошкент, 700031, Зарбоғ (соиб) Роза Люксембург) кўчаси, 31, Очiq Жамият Институтини.

Тел: (998 71) 152-36-98; 152-39-15; 152-39-16. Факс: (998 71) 120-68-54.

Электрон почта: aleks@osi.uz

«Санъат ва маданият» дастурини мувофиқлаштирувчи Александр Жумаев.



Дилдаги гаплар

Бундай олиб қараганда, фермерлик деҳқонга мустақиллик инъом этган улуг незмат ва имкониятдир. Лекин уни ҳар қим ҳар хил тушунади. Шундайлар ҳам борки, улар берилган имкониятдан кўпроқ ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Лекин биз бу фикр, бу мақсаддан бутунлай йироқмиз. Чунки, агар фермер, ер эгаси ўз бурчини, зиммасига юклатилган вазифасини ҳалоллик, поклик билан адо этса, ишлари юришгандан юришверади.

ФЕРМЕРЛИК — ҲАЛОЛЛИК ва ПОКЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

Демокриманки, эл-юрт манфаатини ўз манфаатини олиб борсангинга ютук орандан эргашади. Буни биз ўз тажрибамизда обдон синовдан ўтказдик. Ҳар бир ишда, деҳқончиликка оид муҳим-муҳим тадбирларни амалга оширишда, одамлар билан мулоқот ва муносабатда поклик номга асло доғ туширмаслик учун курашамиз.

Менимча, бу йўлда кўраётган тадбирларимиз, қилаётган ишларимиз анча яхши натижалар бермоқда. Биз эришаётган кўрсаткичлар шундай деб дадил айтишимизга асос бўла олади. Масалан, ўтган йили 32 гектар ерда 35 центнердан юқори навли пахта, 20 гектар галлазорда 110 тонна дон етиштиришга муваффақ бўлдик. Даромад ҳам анчагина мўмай бўлди. Ўз-ўзидан савол туғилади. Биз бундай муваффақиятларга қандай қилиб эришдик? Қисқа қилиб, ҳаммаси меҳнатга, ихлосга, ерга оқилона муносабатда бўлишга, у билан тиллаша билишга, гоблик, деб айтиш ўринли бўлади.

Ҳуллас, биз пахтачиликда ютуқларга эришишимиз муҳим омиллари ҳисобланган ерни сифатли шудгорлаш, уруғни тўғри танлаш, яганани сифатли ўтказиш ва чеканани ўз вақтида бажариш сингари тадбирларни ниҳоятда синчковлик билан амалга оширдик. Бу ишга ҳар бир деҳқон ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Жамоамиз ўзагини оиламиз аъзолари ташкил этади. Укам Ихтиёр, келинларим Замира, Гулноза, Наргиза, ўғилларим Саидҳаким, Саидқабар, қизларим Фотима ва Зухралар билмаганларини сўраб ўрганишдан эринмайдилар. Бундан ташқари, маҳалламизда истиқомат қилувчи 20 нафар кишини ҳам фермер хўжалигимизга жалб этдик. Ҳаммамиз бир бўлиб, маҳалламизда қўлдан келган ишни сифатли ва маромида бажариш йўллари изладик ва экинлардан мўлжалдагидан ортиқ ҳосил етиштиришга эришдик.

Мутасаддилар бизнинг қилган ишларимизни юқори баҳоладилар. Улар қўлчани янада кенгроқ ёзишимизга истақ билдиришди. Хўжалик раҳбарлари бу истақни тўғри тушуниб, ер майдонини 108 гектарга етказиб беришга қарор қилдилар ва бу қарор ўз ижросини топди. Мазсулиятимиз янада ошганлигини ҳис қилган ҳолда кузгиқчи ишларни барвақт бошлаб, эрта тугалладик. Хўжалигимизга яна 20 нафар янги ишчиларни қабул қилдик.

Ўтган йилги ишларимизни таҳлил этиб 2002 йил режаларини ишлаб чиқдик. Бу йил биз 65 гектар майдонда пахта, 25 гектар майдонда галла етиштирамиз. Бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилди. Ажратилган майдонларга ўзимизга маъқул бўлган галла уруғ-

лигини ўз вақтида сепиб, ундириб олдик. Кузги парваришини ҳам яхши ўтказдик. Эрта баҳордан бошлаб галлага ишлов беришни давом эттирамиз.

Ғалла ва пахтадан ортаган майдонларда эса, шартнома асосида бошқа экин турларини етиштиришга келишдик.

Айримлар ўйлагандек киш бекорчилик эмас. Биз ҳар бир ғанимат кундан фойдаланиб, ўзимиздаги мавжуд техникаларни қайта-қайта текшириб, амалий синовдан ўтказиб, баҳорги дала ишларига шай қилиб қўйдик.

Ҳалол меҳнат қилган деҳқоннинг даромади ортиб, омбори дон-дунга тўлиб борапти. Биз уларнинг истақларини ҳисобга олиб ўз худудимизда ун ва шולי тегирилмоқларини ишга туширдик.

Деҳқоннинг оғирини енгил қилиш, унинг эҳтиёжларини қондириш учун яна бошқа тадбирларни ҳам амалга оширишни режалаб турибмиз. Бу йил пахта ҳосилдорлигини 40 центнердан ошириш, галла ҳосилдорлигини эса 60 центнерга етказиш учун курашамиз. Бунинг учун бизда тажриба ҳам, шароит ҳам бор.

Яқдиллик билан айтилган бу сўзлар оғизда қолиб кетмайди. Аминмиз, қаторда норинг бўлса, юкин ерда қолмайди деганларидек, садқотли, ўз касбига меҳр ва ихлос қўйган деҳқонларимиз бор экан, биз, албатта, янги йилдаги режаларимизни ҳам ошириб бажарамиз.

Малик НАБИЕВ, Оққўрғон туманидаги Навоий номи ширкат хўжалигида фаолият кўрсатётган «Покиза-М» фермер хўжалиги раҳбари.

Меҳр-мурувват

ҚИММАТЛИ СОВҒА



«Соғлом авлод учун» халқроқ нодавлат жамғармасининг Тошкент вилоят бўлимида ноғиронларнинг умумий қиймати 375 минг сўмлик учта аравачасини топшириш маросими бўлди. «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва бош маъмур жано Чан Гван Хан раҳбарлигидаги «Корейсларга ёрдам

кўрсатиш бўйича ижтимоий ҳаракат» (Корея Республикаси) бу ҳайрия акциясининг ташаббускорлари бўлишди. Бу аравача биз учун айна мудоа бўлди, — дейди Белла Пак. — Ун ёшли қизим Саша фалаж, уни ҳаммиса қўлда олиб юрамиз. Шундай аравачани сотиб олишга эса маблағимиз йўқ эди. У ниҳоятда қиммат. Энди бўлса Саша ўзгаларнинг ёрдамисиз ҳаракат қила олади. Хомийларимизга

рахмат! Бу ёруғ дунё меҳри дарё одамларга бой эканлигига яна бир бора ишондим!

Тошкент туманидаги «Фишткўприк» ширкат хўжалигида яшовчи ўн тўққиз ёшли Нигора Содикова билан янгийўллик Жамила Тўлагановага ҳам ноғиронлик аравачалари тортик қилindi.

Лилия ТОРБИНА, СУРАТДА: совгаларни топшириш лаҳзалари. Анда САИТОВА олган сурат.

Янгилик БОЖЖОНА УЧУН АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат божжона кўмитасида портатив алоқа воситаларини тантанали суратда топшириш маросими бўлиб ўтди.

Божжона хизмати шароитларида жуда асқотадиган ушбу замонавий алоқа воситаларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ходимлари тақдим этдилар. Бундай ёрдам «Уш узели» деб аталувчи махсус лойиҳа доирасида амалга оширилди. Мазлумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ана шу лойиҳа асосида Урта Осиё давлатларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматларини техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаб туриш вазифасини ўз зиммасига олган. Гарчи ушбу лойиҳа якунланган бўлсада, БМТнинг гиёвандлик моддаларини назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича Марказий Осиё бошқармаси Ўзбекистон божхоналари ходимларини таъминлаш мақсадида 65та замонавий портатив радиостанция харид қилиш учун маблағ излаб топди.

Эндиликда божжоначилар яратилган янги имкониятлардан фойдаланиб бўлмоқдалар. Чунки, «Моторола» русумидаги бу радиостанциялар барча хизмат жойларида уларга жуда қўл келмоқда. Шу боис давлат божжона кўмитасининг назорат воситалари ва алоқа бошқармаси бошлиғи Р. Жалилов ушбу станция хизмати сифатини «аъло» даражада баҳолади.

БМТнинг гиёванд моддалар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича Марказий Осиё бошқармаси минтақавий раиси Антонелла Деледа, республика Божжона кўмитаси раиси Уткир Комилов учрашув чоғида вужудга келётган янги шарт-шароитларда гиёванд моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашининг буни аҳоли юзасидан ўзаро фикр ва ахборотлар алмашдилар.

Лекин афсуски, ҳаётда ҳар доим ҳам шундай бўлавермас экан. Авлор борки, тирноққа зор. Аммо оналар борки, ўз фарзандидан юз ўйради. Ҳали она сутти нима эканлигини билишга ҳам улгурмаган норасида гўдагини ташлаб кетади.

Ҳайриятки, бундай нопок авлор бизда кўп эмас. Ва яна Оллоҳга шукурлар бўлсинки, давлатимиз, ҳукуматимиз халқимиз каби болажон. Юртимизда онаси ташлаб кетган тиркиқ етимлар ҳеч қачон кўчада қолмайди.

ёшгача бўлган 60га яқин кичкинтойга 12 нафар энага тарбия бермоқда. Болалар ўйнайдиган, ухлаб, дам оладиган хоналар кенг, ёруғ, бекам кўст жиҳозланган. Кийим-кечақдан камчилик йўқ. Уйинчоқлар етарли. Махсус болалар овқат-

Шунда мўжиза юз беради. Бир парча эт мисоли чала зурриёт шу заҳотиёқ тинчланади, ором топади. Гўё ҳали шаклланиб улгурмаган мурғакчана қалб она юрагининг дуқурига қулоқ тўтиб, ундан қувват олиб, кучга тўлгандек, она сутти исини олади ва қарқок лайчалари билан унинг сиби-насиға талпинида... Ҳеч қандай дори-дармон она суттидек бўлолмайди. Фақат оналарнинг оқ сутти, меҳр-муҳаббати ва илиқ бағри-

бўлса керак, Тоҳира Абдусамодовна гоҳ маънос, гоҳ кўнгли ёришиб ҳижоқ қилади. Гап орасида у «мана бу кўйроққодай ёқимли қизчани яқинда бувиси билан буваси ташлаб кетишди» деб қолди. Уларнинг ҳали турмушга чиқмаган йигирма ёшли қизлари... Майли, уни қўя турайлик. Аммо ёшлари бир жойга борган, ҳаётнинг аччиқ-чўчугини татиб кўрган «буви» ва «бува»га нима бўлди? Нега улар ўз жигарбандлари бўлган набираларидан воз кечишди?..

Ҳозир «Кичкинтой» тарбияланаётган болаларнинг яримдан кўпи, яъни 32 нафари янги туғилган чақалоқлар. Улар асосан туғулганлардан келтирилган. Табиийки, улар сунъий овқатлар билан боқилади. Бу эса эналардан куч-ғайрат, сабр-бардош талаб этади. Лекин улар қийналишмайди. Чунки, ажойиб кўмақдошлари бор. Янгийўлдаги 3-ва 17-мактабларнинг юқори синф қизлари навбат билан ҳар кун дарсдан сўнг келишиб, чақалоқларни йўрғаклаш, чўмилтириш, овқатлантиришда эналарга кўмаклашмоқда.

— Бизни қувонтирадигани шунки, — дейди директор, — «Кичкинтой» иш бошлаган 1998 йилдан буён тарбияланувчиларимиздан бирор нафарини ҳам болалар уйига бермадик. Уларни саховатпеша оилалар асраб олишяпти. Бундай ота-оналар орасида ўз фарзандлари борлари ҳам йўқ эмас. Бирни кўриб фикр қил, мингми кўриб шукур қил деганларидек, юртимизда ана шундай меҳр-оқибатли ота-оналар кўпаяверсин.

С. ФРОЛОВА, СУРАТДА: Тоҳира Исмоилова тарбияланувчилар даврасида. Анда САИТОВА олган сурат.

ОНА ВА БОЛА



ГУЛБИЛАН-ЛОЛА деган ажойиб нақл бор халқимизда

Улар ҳар доим кучли ижтимоий ҳимояда. «Кичкинтой» вилоят болалар уйи директори Тоҳира Исмоилова билан сўхбатлашган кишининг кўнгли бироз таскин топади. Чунки, у бошқараётган болалар уйида етимларнинг она меҳрига зор бўлмай, яйраб-қувнаб қўлаб келган усулини ўсиб, улғайишлари учун зарур бўладиган барча шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилинади. Бу ерда бир ҳафталик чақалоқдан бошлаб уч-

лари тайёрланади. Ҳомийлар мунтазам хабар олиб туришади. Шу ўринда бир ҳаётимисол келтириш жоиз. Гап шундаки, замонавий тиббиёт чала туғилган чақалоқларни сақлаб қолиш ва ҳаёт бахш этшининг қадим Жанубий Америка халқлари қўлаб келган усулини ўсиб, улғайишлари учун зарур бўладиган барча шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилинади. Бу ерда бир ҳафталик чақалоқдан бошлаб уч-

гина гўдақларни катта ҳаёт йўлига олиб чиқади. — Шароитимиздан, биз учун яратиб берилаётган имкониятлардан нолишга ўрин йўқ, ҳамма нарса бадастир, — дейди директор. — Энагаларимиз ҳам ўз гуруҳларидаги етимлар атрофида худди ўз фарзандларидек туну кун парвоналар. Бироқ биз ҳар қанча истамайлик, уринмайлик барибир, ҳақиқий она меҳрини, она бағри тафтини бера олмаймиз. Касби тақозоси билан

«ИН-АУДИТ», «ХОЛИС-АУДИТ» ТАЪССИСЧИЛАРИ

«Ин-Аудит» ва «Холис-Аудит» умумийлик аудиторилик компанияларининг таъсисчилари йилгиликни ўтказилди. Уларнинг таъсисчилари бўлиб йирик банклар, сугурта компаниялари ҳамда бошқа юридик ва jisмоний шахслар қатнашди. Ҳар бир компаниянинг устав капиталли 140 миллион сўмдан белгиланди.

Ушбу компанияларнинг ташкил этилиши — Ўзбекистон Республикасида йирик, юқори профессионал, халқроқ стандарт талабларига жавоб берадиган мустақил аудиторилик компаниялар ташкил этилишининг бошланғичидир. Молия вазирлиги матбуот хизматидан ўз муҳбирига маълум қилишларича, компанияларнинг сайланган раҳбарияти олдида таъсисчилар томонидан қисқа муддатларда ушбу компанияларнинг кўп тармоқли бўлиналари республикаимизнинг вилоят, шаҳар ва туман худудларида тузиш, уларни юқори маълумлик мутахассис — аудиторилик билан таъминлаш вазифалари қўйилган.

Меҳрибонлик уйига янги тарбиячи келди. Лекин унинг кичкинтойлар билан тил топишиб кетиши қийин кечди. Қуларнинг бирида болалар билан бафуржа гаплашишининг, уларни тинчлантиришининг ҳеч иложи бўлмай қолган, эртак сўзлаб бошлади. Зум ўтмай хона сув қуйгандек жимиб қолди. У эса, тўлиб-тошиб эртак айтди, турли миллатга мансуб бўлган болаларнинг кўзидаги ажиб бир энтикишини, мунг-ҳарсатни ҳис этиб турди... Болалар тамоман эртак сеҳрига асир бўлдилар.

Ҳаммамиз эшитиб катта бўлган халқ эртакларининг бу қадар мафтункорлиги, мурғак қалбимизни забт эта оладиган сир-синоати нимада? Эртак — даярли ҳамма халқлар оғзаки ижодида учрайдиган энг оммавий жанр дур. У миф, афсона, ривоят каби жанрлар таркибиде шаклланган элик асар бўлиб, оғзаки ижоддаги диффузия жараёнининг ҳосиласи ҳисобланади. Қадим замонлардан «чўпқак», «матал» номлари билан ҳам аталиб келинган туркий халқлар эртаклари тарихи эса жуда олис ўтмишга бориб тақалади. Х асрда яшаган буюк аллома Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони лугатити турк» асариде эртаклар «эргук» тарзида келтирилган. Эртакларнинг ушаш томонлари мўтивларда, яъни аънавий воқеа ёки лаҳзаларда намоён бўлади. Ҳамма халқ-

ЭРТАКЛАР ЯХШИЛИККА ЭТАКЛАР

лар шу аънавийликдан келиб чиқиб мазмун ва шакл жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган эртаклар тўқиб, ўз оғзаки ижодларини бойитиб бораверганлар. Эртакларнинг энг эътиборга лойиқ жиҳатлари — уларда халқ педагогикасининг тамойилларини кўриш мумкин. Айна шу жиҳат эртакларнинг тарбиявий-ахлоқий аҳамияти билан боғлиқдир.

Эртаклар бизни ота-онага хушмуомалада бўлиш, каттачани ҳурмат, кичкинчи иззат қилиш, ёлғончи, мактанчоқ, данғаса бўлмасликка даъват этади. Шу билан бирга биз яшаётган дунёнинг ўнқир-чўнқир сўмоқлардан иборат эканлигини, ҳар қадамда хушёр тортоқ кераклигини эслатиб туради. Мурғак қалбларда она тупроқда, Ватанга муҳаббат туйғулари шакллантиради.

Бу хусусиятлар ўзбек халқ эртакларида яққол кўзга ташланади. Аммо бунинг кунда эртак айтиш ва эртак тинглаш тобора камайиб бораётгандек. Нима бўлганда ҳам, бетакдор ва ўзига хос бадиий ижод тури ҳисобланмиш халқ эртаклари бизга ҳар доим мана шу кўнча ҳаётдан сабақ бериб келаяверади.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети иккинчи курс талабаси.

Маънавият

лар шу аънавийликдан келиб чиқиб мазмун ва шакл жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган эртаклар тўқиб, ўз оғзаки ижодларини бойитиб бораверганлар. Эртакларнинг энг эътиборга лойиқ жиҳатлари — уларда халқ педагогикасининг тамойилларини кўриш мумкин. Айна шу жиҳат эртакларнинг тарбиявий-ахлоқий аҳамияти билан боғлиқдир.

Эртаклар бизни ота-онага хушмуомалада бўлиш, каттачани ҳурмат, кичкинчи иззат қилиш, ёлғончи, мактанчоқ, данғаса бўлмасликка даъват этади. Шу билан бирга биз яшаётган дунёнинг ўнқир-чўнқир сўмоқлардан иборат эканлигини, ҳар қадамда хушёр тортоқ кераклигини эслатиб туради. Мурғак қалбларда она тупроқда, Ватанга муҳаббат туйғулари шакллантиради.

Бу хусусиятлар ўзбек халқ эртакларида яққол кўзга ташланади. Аммо бунинг кунда эртак айтиш ва эртак тинглаш тобора камайиб бораётгандек. Нима бўлганда ҳам, бетакдор ва ўзига хос бадиий ижод тури ҳисобланмиш халқ эртаклари бизга ҳар доим мана шу кўнча ҳаётдан сабақ бериб келаяверади.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети иккинчи курс талабаси.

Огоҳ бўлайлик

Бекобод шаҳрининг кўркем даҳаларидан бири Собир Раҳимов номи маҳалла ҳисобланади. Бу ҳудудда янги қад кўтарётган, таъмирланиб ўзгача кўриниш касб этаётган биноларни кўрган кишининг дили қувонади, эртани кун бундан ҳам яхши бўлишига ишонч ҳосил қилади.

80-мавзеда жойлашган 1-сонли милиция таянч пункти маҳалла ҳуснига ярашиб тушди. Профилактика инспекторининг хизмат хонаси ва С. Раҳимов номи маҳалла ўзини-ўзи бошқарув идораси ҳам шу бинога жойлашган. Шаҳримиздаги бу милиция таянч пунктини таъмирлаш ишларини амалга оширишда кўпчилик ташкилот ва корхоналар фаолият кўрсатишди.

Ҳам ичидан, ҳам сиртидан чиройли бинода С. Раҳимов маҳалласи жамоатчилик кенгаши, Бекобод шаҳар кенгаши депутатлари қизгин иш олиб боришапти. Бекобод оғир санаот техникуми раҳбари Я. Ирисметов, Соғлиқни сақлаш бошқармаси бош шифокори Б. Сангинова, Бекобод шаҳар 21-КЖМ раҳба-

ри А. Таштемировлар маҳалла фаоллигига бош-қош бўлиб, ободончилик ишларини кучайтирмоқдалар, жиноятчилик ва

МАҲАЛЛАНING ТАЯНЧ МАСКАНИ

террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш бўйича бир қатор амалий тадбирларни рўёбга чиқармоқдалар.


Милиция таянч пункти маҳаллада тарбиявий иш марказига айланишида «Узметкомби-

нат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош раҳбари, Олий Махлис депутати А. Фармоннинг сай-ҳаракатлари катта бўлди. Ҳар кун таянч пунктига автотранспорт ҳудуддан битта навбатчи автоулов ажратилмоқда.

миссия раиси Раҳмонберди Холиқов, хотин-қизлар кўмитаси раиси Мафзуза Муродовалар баҳамжхатликда маҳалла худудидаги 64, 65, 80, 91-мавзелада оилалардаги тотувлиқни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида тарбиявий-ташкilotчилик ишларини кенгайтиришда фаол қатнашмоқдалар.

Эл-юртимиз тинчлигини сақлаш, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз, куну-тун огоҳ бўлишимиз — тинчлигимиз гаровидир.

Р. ҒАЯРОВ, Бекобод шаҳар ички ишлар бўлими профилактика инспектори.



Страсбургда Европа кенгаши парламент ассамблеясининг қишки сессияси бошланди. Анжуман кун тартибига ассамблеянинг янги расийни сайлаш ҳамда Босния ва Герцеговинани Европа кенгашига қабул қилиш масалалари киритилган. Тадбир иштирокчилари халқроқ террорчиликка қарши кураш масаласини ҳам муҳокама қилади.

ЕРДАМ СИФАТИДА 100 МИЛЛИОН АКШ ДОЛЛАРИ Хитой Афғонистонга иқтисодини тиклаш учун ёрдам сифатида 100 миллион АКШ доллари бермоқчи. Ташқи ишлар вазирлиги вакили Чан Сининг айтишича, расий Пекин Афғонистон иқтисодини тиклаш жараёнини фаол иштирок этади ва бу молиявий ёрдам «хамир учидан патир» дур.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар одамлар воқеалар

ЖИДДИЙ ТЎСИҚ БЎЛМОҚДА Ироқ ташқи ишлар вазирлиги вакили Эрон уч кун ичида ироқлик олти юз нафар ҳарбий маҳбусини озодликка чиқаришини маълум қилди. Унинг айтишича, маҳбусларни айирбошлаш тадбири Халқаро қизил ҳоч кўмитаси кузатувида ўтказилди. Мазкур икки давлат ўртасида 1980-88 йилларда юз берган уруш давомида минглаб ҳарбий асир олинган. Бу ҳамон Эрон-Ироқ алоқаларининг ривожига жиддий тўсиқ бўлиб келмоқда.

КИШКИ СЕССИЯ БОШЛАНДИ Страсбургда Европа кенгаши парламент ассамблеясининг қишки сессияси бошланди. Анжуман кун тартибига ассамблеянинг янги расийни сайлаш ҳамда Босния ва Герцеговинани Европа кенгашига қабул қилиш масалалари киритилган. Тадбир иштирокчилари халқроқ террорчиликка қарши кураш масаласини ҳам муҳокама қилади.

ИЖРО МУДДАТИ 1 ОЙГА УЗАЙТИРИЛДИ Шри-Ланка ҳукумати таъмир айирмачиларига қарши жанговар ҳаракатларни тўхтатиш ҳақидаги қарорининг ижро муддатини яна бир ойга узайтирди. Бу қарарга қарши томонлар ўртасида музокараларни тиклашга катта ёрдам беради, деди ҳукумат вакили. Хабарларга кўра, таъмир айирмачилари ҳам ўтган кун ўт очини бир ойга тўхтатишини маълум қилган.

АЛОҚАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНДИ Япония бош вазири Дзюньитиро Коидзуми Хитой, Жанубий Корея ҳамда Жанубий-шарқий Осиё уюшмасига аъзо давлатларни минтақадар ягона ҳамжамият тузишга қарориди. Келажикда бу тузилмага Австралия ва Янги Зеландияни ҳам қўшиш мумкин, деди у. Д. Коидзумининг айтишича, бўлажак минтақавий ҳамжамият барча соҳадаги ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. У АКШ, Европа ва Жанубий Осиё давлатлари билан яқин ҳамкорлик қилмоғи лозим.

ҲАЖОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЎЗА ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ.

«ТОМЧИ СУВДА ҲАЁТ ЖИЛВАСИ»

Тақдимот

«Экосан» халқаро жамғармасида «Томчи сувда ҳаёт жилваси» кўрик-танловининг тақдимот маросими ўтказилди.

Ўзбекистонда, қолаверса бутун Марказий Осиё минтақасида тоза ичимлик сувининг ҳаддан ташқари кўп сарфланиши экологик муаммоларнинг асосийларидан бири ҳисобланади...

тарғибот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

«Томчи сувда ҳаёт жилваси» республика кўрик танлови маълум маънода сув муаммосидан ўқувчиларни кенгроқ хабардор қилиш, билим ва тушуналари ошириш, уйда ва мактабда сувни тежашга ўргатади.

«Туркистон-пресс».

«ШАРБАТ» ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА

Янгилик

Зангиота туманидаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи «Шарбат» кичик корхонаси Интернет тармоғига уланди.

Эндиликда тумандаги бошқа тadbиркорлар ҳам мазкур корхона орқали бевосита Интернет тармоғига уланиши ва ундан фойдаланиши мумкин.

Бу ердан ҳар бир тadbиркор соҳасига оид ўзини қизиқтирган истаган маълумотни олиши мумкин...

яна бир янги цех ишга тушди. Натижада 25 киши меҳнат қилаётган жамоада иш ўрни 10тага кўпайди.

ЎзА.

ГИЛАМДА - ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР

КЕЛЕС шаҳридаги 9-ўрта мактаб спорт залида «Турон» яққакураши бўйича вилоят очик биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

Бу ерда 1990-1991 йилда туғилган ҳамда ундан кичик ёшдаги 200дан зиёд ўғил-қиз ўзаро куч синашди.



лимжонов (республика Ёшлар маркази), Нозима Абдурахмонованинг гиламда намойиш этган маҳоратлари спорт залига тўпланган кўп сонли кураш мухлисларида кучли таассурот қолдирди.

Эркин УМАРОВ.

СУРАТДА: мусобақадан сўрақчи.

Махфуза Абдуллаева, Умида Усмонова (Тошкент тумани), Жалолиддин Са-Муаллиф олган сурат.

РАҚИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Мамлакат ўиничи миллий чемпионатининг бронза медали совриндори - Қаршининг «Насаф» жамоаси ўтган йили Осиё чемпионлари кубогига муваффақиятли катнашиб, чорак финалда катнашиб ҳуқуқини кўлга киритган эди.

«НЕФТЧИ» ИШОНЧНИ ОҚЛАЙ ОЛМАЯПТИ

Россия пойтахти Москвада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чемпионлари кубоги аънанавий мусобақалари бошланди.



Талъат ЮСУПОВ.

Швейцария намойиш этади

Тошкентдаги амалий санъат музейида Швейцария элчихонаси билан ҳамкорликда бу мамлакат хунармандчилиги санъати кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда дунёнинг барча давлатлари билан ҳамкорлик қилиш имконияти пайдо бўлди.

Кўргазмада XIX-XX асрларга алоқадор икки юзга яқин хунармандчилик санъати намунаси намойиш этилмоқда.

Бугунги кунда халқ хунармандчилиги, асосан, Швейцариянинг йирик шаҳарларида жойлашган амалий санъат мактабларида ривожланмоқда.

Кўргазма 2 февралгача давом этади.

Н. УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Бу йил от йили бўлгани учунми қайси даврага кирманг, от, улоқ, пойга ва чавандозлар ҳақида гап бўлади.



ҚАНОТИ бор ОТ

— Мен бу воқеани бобом раҳматликдан эшитганман. У киши отга жуда қизиқар, қаерда кўпқари, пойга бўлса отини миниб албатта етиб борарди.

Шундай кунларнинг бирида Қурама тоғ этакларидаги сайхонликлардан бирида кўпқари бўлибди. Қўшни республикалардан, ўзимиздан ҳам донғи чиққан чавандозлар йўғилишибди.

Бугунги кунда халқ хунармандчилиги, асосан, Швейцариянинг йирик шаҳарларида жойлашган амалий санъат мактабларида ривожланмоқда.

Йўлда Мамат сўта «Мулла Назар, бугун тикимга тую тикишар экан, кўрасан, шу туюни ютиб, неварамнинг тўйига сўяман»...

Тикимга тую тикилганини ҳақам эълон қилган, тортишув роса кизиди.

қозғистонлик бир чавандоз улоқнинг икки оёғидан тўтиб олиб қўйиб юбормас, остидаги оти ҳам қорабайир билан гардлашгандек олдинга учиб борарди.

— Ундай бўлса манов турган тоғга отингмиан пойга қиламанми. Ким жутқизса отини бери.

Ҳамма олқишлар, ҳамма «қойил»лар аввало отга қаратилибди.

Улоқни ололмаган қозоқ чавандози Мамат сўтанинг олдига келиб, «Эй, сўта, шу отингга жуста кўй бераман, маган сот»...

бир тараф бўлиб, томошабинларнинг кўпи бу томонга эниб келаверибди.

Икки от эгалари билан қадди тик бир тоғнинг тагига келишибди.

Эртаси кун Мамат сўта отини яна бир тўйга олиб бориш учун отхонага кирса, у чўзилиб ётар, икки қўлида ёш қотиб қолган, тинимсиз инқиллар эмиш.

— Отга кўз тегибди, Мамат, кўзикан, уни пичоққа илинтириб олиш керак...

Мамат сўта ёш боладай дув-дув йиғлар, «қандай сўяман, қандай сўяман», деб зорланибди.

Ийигит эшитган воқеани тугатганда, даврада ўтирганларнинг ҳам кўзи тўла ёш эди.

Ҳамид НОРҚУЛОВ.

Шингил қатралар

Маҳалламизда Мансур деган йигит бўларди. Оғир-босик, камсўқум эди раҳматли.

... Уша кун умрининг сўнги дамлари эди. Кечаси билан азоб чекиб, инграб қиди.

— Ойи, — деди у охиста, — Дониёр ёмон йиқилди шекилли, келиннингизга айтинг, қарасин.


— О, болам-а, — ўқириб юборди ота, — ўзинг не ахволдасану болам дейсан-а.

Санқли дақиқалардан сўнг бу хонадондан чиққан йиғи-сиги аза очилганидан дарак берди.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ХУШ асрнинг охирига келиб бу сўз «воқзал» тарзида поляк ва рус тилларига кирди.

Паришонхотир касалига дучор бўлган бир одам хонага кириб сўрабди: Кечирасизлар, мабодо шляпамни адашиб сизларнинг хонангизда қолдирмадимми?



Ота тасбеҳини ўғириб ўтириб яна девордаги соатга кўз ташлади.

Ташқари совуқ эди. Аста юриб бекат томон кетди.

— Болам, кўшнингизга қичиб, қайнағаларингизга телефон қилсангиз, Улуғбекдан ҳалигача дарак йўқлигини айтсангиз.

— Ҳайрият, ўзингга шуқур, келибдику, — деган сўзлар кўнглидан ўтди-да, совуқда уюшган оёқларини бир-бир базўр босиб ўйи томон юрди.

ВОКЗАЛ. Бу сўзнинг луғавий маъноси на Россия Академияси луғатида, на хорийки сўзлар луғатларида учрайди.

«Вокзал» сўзининг келиб чиқиши шундай. 1700 йили англилик катта ер эгаси Вокс Лондон шаҳри яқинига бог ва қошона зал қурди.

Бола онасидан сўради: Ойи, фаришталар ростдан ҳам учадими? Ҳа, албатта. Улар доим парвоз қиладилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Мен болам дейман...

Биласизми

Бўш вақтларингизда

СКАНВОРД

Scrabble word search grid with clues in various directions.

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.